

## САЙЁР СУД МАЖЛИСИ ЎТКАЗИЛДИ

Марғилон шаҳридаги Маданият маркази мажлислар залида жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси ўтказилди. Суд мажлисида судьялар М.Марахимов ва Ш.Каримовларнинг раислигига Марғилон шаҳар Пробация бўлинмаси томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар мазмунан кўриб чиқилди.

Сайёр суд мажлиси давомида 1 нафар маҳкум тайинланган жазодан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан тайинланган жазони турли вақтларида мунтазам равишда бузиб келгани туфайли озодликни чеклаш жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилди.

Бундан ташқари, Марғилон шаҳар Пробация бўлинмаси назоратида бўлган 45 нафар маҳкумлар тайинланган жазодан ўзларига тўғри хулоса чиқариб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишгани туфайли тайинланган жазодан шартли равишда озод қилиндилар.

2023-11-03 09:07:48